

3. Xo`jayev A. Buyuk ipak yo`li. – Toshkent: O`zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2007.
4. Hotamov A., Xalilov Sh. Yillar sadosi. – Toshkent: Adolat, 1995.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/006>

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ИДЕНТИКЛИК ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ-ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ

Ўзму профессори, ф.ф.д. Мадаева Ш.О.

Замонавий глобал жараёнда экстремизм ва терроризм диний омилнинг деструктив омили сифатида ўзини намоён қилмоқда. Шунинг учун Ислом динининг қадрият сифатидаги мақомини кўрсата олиш, уни исломофобиядан ҳимоя қилиш миллий ва халқаро тажрибада бугунги кун учун ғоят муҳим. Ҳар қандай тажриба, метод ўз ўрнида самарали ва ўзганишга молик. Лекин, фикримизча, бу икки офатга қарши курашда асосий восита сифатида давлатчилик стратегиясида миллий онгнинг тарихий, маданий, ментал хусусиятларидан келиб чиққан мафкуравий иммунитетини тиклашдир. Аслида миллий XXI аср фонида нафақат Ўзбекистон, балки ўз давлатчилигини миллий тараққиёт принципларига қурган бошқа ривожланган давлатларда ҳам миллий тафаккур бирлиги масаласи ҳақида гапириш ғоят мушкул. Чунки глобаллашув энг аввало қадрият

ва миллат каби классик давлатчилик ўзакларига зарба бериш орқали ишляпти. Экстремизм ва терроризм биз кўраётган муаммоларда айсбергнинг чўққисидаги муаммоларгина холос. Унинг тармоқларида ислом космополитизми, ислом феминизми каби ниқоби биз учун муқаддас бўлган дин билан ўралган, моҳиятида эса ватанимизга, оиламизга, инсоний қадриятларимизга, кўйингки гендер идентиклигимизга раҳна солувчи, уларни тубдан ўзгартирувчи ва охир оқибат ўзлигимиздан бегоналаштирувчи онг дастурлари ётибди. Инсоннинг виртуал борлиғи ўзгариб, биз кўпроқ ҳозир жисмоний эмас электрон дунёда мавжудмиз. Ҳатто XX аср тадқиқотларида менталитет ва идентиклик ҳақидаги мавзуларда биз ўзгармас мутлоқ идентикликлар деганда дин, миллат, ватан қадрияти, жинс идентикликлари ҳақида гапирилса, XXI аср тадқиқотларида трансдин, трансгендер, космополит инсон каби инқирозга учраган идентикликлар ҳақидаги муаммолар кўпроқ кўйилмоқда. Идентиклик матрицаси ҳозирда бутун дунёда кескин тезлик билан ўзгаришни бошлаган. Бу визуал ўзгаришларни дастлабки асоси онгдаги ўзгаришлар бўлса, биолог олим Матураннинг аутопозис таълимоти жуда реал ва охири яхши бўлмаган интиҳонинг дарагини беради. Аутопозис таълимотига кўра социал онг бу жонли организмдир. Ижтимоий онг ҳолати реал амалиётда ўзининг моддийлаштиради. Агар биз, тасаввур қилинг ҳозирги кунда урф-одат, дин, маданиятдаги онгимиздаги хаосни амалиётга тўла тўқис ўтказсак, бу реал жараёндаги хаосни ифодалаш табиий. Шу сабабли ҳам дин омилига бўлаётган

давлат стратегияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак. Ва ҳозир Ўзбекистонда бунинг учун максимал даражада ҳаракат кетяпти. Диний кадриятларимиз, маданиятимизни секуляр давлат тизимида легитимизация қилиш элементлари ҳам даврни талабидан келиб чиқиб секин асталик билан эҳтиёткорлик билан амалга ошириляпти. Юқорида Матураннинг таълимотидаги қонуниятни Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак. Социал онгда идентикликнинг диний қобиғи кучли бўлса жамиятда, уни инкор қилиш, ундан кўрқиш керак эмас, балки бу омил билан ишлаш зарур. Нима учун ишлаш керак, чунки яқин кунларгача ўзбек идентиклигида дин ва миллийлик омили бир-бирига тўғри пропорционал бўлган бўлса, ҳозирда дин ва миллат омили ташқи таъсирлар натижасида бир-бирига тескари пропорционаликка қараб кетиш арафасида. Мана шу ҳавфни олдини олишда давлатимиз ички ва ташқи сиёсатида барча тадбирлар қилинмоқда. Ханафия мазҳабининг шариатнинг тўртта асоси билан бирга истиҳсон ва урф-одат тизимини жамият ҳуқуқий ва маиший, маданий ҳаёти билан параллел олиб боргани Ўзбекистон тарихида дин ва миллий урф-одатлар идентиклигини бир-бирига боғлиқ қилиб қўйган. Лекин ҳозирги кунда интернет, мобил алоқалар орқали турли тарғиб қилинаётган фундаменталистик, экстремистик тарғиботларга тула диний канал оқимлари деярли ҳаммаси урф-одат, маданият ва миллий онгни ўзгартиришга йўналтирилган тарғиботлардир. Статистик маълумотларга кўра аҳолининг етмиш фоизи ТВ, радио, газета журналлар эмас, диний, сиёсий, ҳуқуқий, кўнгил очар

мазмундаги ахборотни интернетдан олади. Ўзбекистон аҳолисини 21 млн.га яқинини 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилса, бу катламнинг 80 фоиздан ошиғи асосий маълумотни фақат интернет кидирув каналлари орқали олади. Лекин бу тармоқларда дин омили билан боғлиқ масалалар қанчалик филтрланган бу ҳам катта савол.

Шунинг учун ҳам замонавий Ўзбекистон сиёсатида олиб борилаётган стратегик йўналишлар, Учинчи ренессанс, ёшлар сиёсати, ижтимоий ҳимоя, маънавият, китобхонлик ҳаммаси тизимли равишда мана шу турган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Хусусан, Имом Бухорий халқаро маркази, Ислом цивилизацияси маркази ишларини бутунлай янги даражага олиб чиқилиши, Тошкент Ислом университетига халқаро университет мақомининг берилиши дин билан боғлиқ социал институтлар тизимининг кучайтирилаётганининг ифодасидир.

XXI аср бошида мустақилликнинг ўттиз йиллик синовларидан ўтган ўзбек халқи маданияти ҳақида гапирганда унинг асосий ўзагини бир ярим минг йиллик тарихдан замонавий давргача ханафийлик анъаналари феноменида шаклланганини инкор қилиб бўлмайди. Жамият қанчалик замонавийлашмасин, унинг иқтисодий, маънавий, сиёсий укладларининг замирида эътиқод ва дин уйғунлигида шаклланган ментал дастур ётади. Ханафийлик анъаналари ҳақида гапирар эканмиз, динийлик феномени миллийликдан устун келаётган Ўзбекистонда ханафий мазҳаби анъаналарининг миллий идентиклик, ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнини гапириш, эътиборга олиш

ва уни сақлаб қолиш ҳақида қайғуриш керак бўлган вақт келганини таъкидлаш жоиз деб ўйлайман. Сабаби, тарих сабоғидан бир нарса аён бўляптики, дин ўзгармайди, лекин унинг маданий элементларга таъсир қилувчи тамойиллари ўзгаради. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда ислом дини тарихи, унинг ханафий мазҳаби билан шаклланган анъаналарини билган мутахассислар, хатто оддий кузатувчилар бу юртда ислом сақланиб қолган ҳолда унинг анъана ва маданий тамойиллари тубдан ўзгариб кетаётганининг гувоҳи бўлиши мумкин. Ўзбекистонда замонавий ислом омили аҳолининг кийиниши, турмуш тарзи, диний-миллий урф-одатлар, давлатчилик бошқарувига таъсир қилувчи механизмлари ва хатто инсонларнинг тафаккур тарзини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Ва айнан шунинг учун ҳам ханафий ҳақидаги мавзу диний ёки тарихий эмас, замонавий мавзу эканлиги ойдин бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ислом динига оид мазҳаблар ҳақида сўз кетганда, у ислом динининг маълум йўналишини билдирувчи таълимот, ақида, оқим, мактаб сифатида эътироф этилади. Ушбу атаманинг энг кенг тарқалган шакли уни илоҳиётшуносликнинг маълум бир фикҳий усулига тегишли бўлганлиги ҳақидаги қарашлардир.

Мазҳаблар шаклланиши марказида асосан шариатнинг фикҳий ва урф-одат нормалари тургани учун, уларнинг илоҳиёт билан боғлиқ усул ва гносеологик томонлари таъсирига етарли даражада эътибор берилмайди. Ханафий мазҳаби тарихи ва унинг фикҳий йўлига назар

ташласак, бу мазҳаб энг аввало социал муаммоларни ислом дини меъёрлари асосида тушунишда рай усулидан борган. Бу усул “Ислоннинг биринчи асрларида, мусулмон догма ва ҳуқуқи ҳали ривожланиш босқичида бўлганида, Ҳанафия қолган учта мазҳабга қараганда анча илғор бўлиб чиқди, чунки устозлари Абу Ҳанифадан ўрнак олиб, улар кўпроқ Қўрьон ва суннанинг ҳарфларига эмас, руҳига риоя қилишга мойил эдилар. Бу руҳни "ҳукм" (рай) ва "қиёс" (қиёс) билан аниқлаб, шунинг учун ҳанафия "асҳаб ар-рай" ва "аҳл ал-қияс" яъни мустақил фикр тарафдорлари ёки қиёс аҳли номи билан ҳам танилган” .

Рай – асҳобул рай – мустақил фикр тарафдорлари бўлиб, уларнинг мулоҳазаларида мантиқий, қиёсий тафаккур усули етакчилик қилган. Бу усулларнинг эгалланиши ханафий мазҳабида ҳадисларни саҳиҳ қисмларида юқори аниқлик, холислик ва чуқур мушоҳадавий ёндашувни таъминлаган. Марказий Осиёда Ҳанафия ва унинг рационал мактаби Мотуридия йўналишини услуб жиҳатдан бирлиги бу ҳудудда ислом дини манбаларига бўлган ёндашувда илмий, тизимли институтни шакллантирди. Илмий манбаларда ханафия мактаби анъаналарининг мотуридия билан боғланиш илдизлари Марказий Осиёда ханафия мактабининг кейинги шаклланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатгани ёритилади.

Ҳанафияда энг асосий анъаналардан бири мўътадил ислом таълимотидир. Шунингдек ханафиянинг социал ҳаётни ислом ақидавий манбалари билан уйғунлаштиришда урф-одат ва истиҳсон

усулларини исломга олиб кириши ислом кириб келган давлатларда миллий анъаналар билан динни боғлашга имкон берди.

Хулоса қилиб айтганда ханафиянинг рационал, ҳуқуқий, миллий ва шу асосда иқтисодий-сиёсий анъаналари халқлар ва миллатлар ҳаётини диний ақидавий манбаларнинг илоҳий мазмунда назарда тутилган йўл билан боғлади. Унга инсон фактори аралашувини олдини оловчи методларни сафарбар қилди. Ўзбекистон тарихида ижтимоий ҳаёт ислом ҳуқуқи, ислом илоҳиётшунослиги, тасаввуф каби катта социал институтларнинг дин миллат ва давлатчилик тамойилларини бир бирига монанд ҳолда ривожлантирилиши асосида кечди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тарихий давлатчиликда иқтисод, фан, маданият билан боғлиқ қандай мустаҳкам устунлар мавжуд бўлса бу Ханафия, Мотуридия мактаблари, ҳадисшунослик тизими, ислом фикҳи ва тасаввуф тариқатлари каби мустаҳкам устунларга таянган эди.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/007>

ҚАРЛУҚ-ҚОРАХОНЛАР ҲОҚОНЛИГИДА ЯҒМО ВА ҚАРЛУҚ ҚАБИЛАСИНИНГ ЎРНИ ХУСУСИДА

Махмудов Бехзод Хамидович

Ислом Каримов номидаги ТДТУ Олмалиқ Филиали доценти, т.ф.н.

Қорахонийлар давлатини қайси этник асосда ташкил этилганлиги ҳақида тадқиқотчиларнинг фикрлари турлича бўлиб, кўпгина тарихий асарларда мазкур давлатни қайси туркий қабила ташкил этганлик